



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ ДАРАЖАСИ ЖОРӢ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Шоҳжон Элмуродов

PhD, "Finance" кафедраси мудири, Тошкент Кимё ҳалқаро университети,

Тошкент, Ўзбекистон

Email: [sh.elmurodov@kiut.uz](mailto:sh.elmurodov@kiut.uz)

ORCID: 0000-0002-0123-6408

### ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF THE HIDDEN ECONOMY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Shokhjahon Elmurodov

PhD, Head of the "Finance" department, Tashkent Kimyo International University,

Tashkent, Uzbekistan

Email: [sh.elmurodov@kiut.uz](mailto:sh.elmurodov@kiut.uz)

ORCID: 0000-0002-0123-6408

**JEL Classification:** C1, C41, C49

**Аннотация.** Яширин иқтисодиёт ҳар бир ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу сабабдан яширин иқтисодиётни бутунлай йўқотишнинг умуман иложи йўқ, бу мавзуга оид тадқиқотлар одида турган асосий вазифа эса унинг даражасини яъни кўламини камайтириш ҳисобланади. Уибу мақолада Ўзбекистон Республикасида яширин иқтисодиёт даражаси жорӣ ҳолати ўрганилган. Яширин иқтисодиётни ҳисоблаш усули кўрсатилган. Гутманнинг нақд пул ва депозитлар ўртасидаги боғлиқлик асосида яширин иқтисодиёт даражаси аниқланди. Базис йил 1997 йилда бўлиб, бу йил яширин иқтисодий фаолият даражаси нолга тенг эди. Бу моделни ҳисоблаш бошланадиган даврдаги яширин иқтисодиёт ҳажми 0 га тенг деб қаралади ва унинг ўсиши даражаси кузатилади. Тадқиқот сўнггида тегизили хуносалар шакллантирилади.

**Abstract.** The shadow economy is an integral part of the economy of every developed and developing country. For this reason, it is not possible to completely eliminate the shadow economy, and the

main task of research on this topic is to reduce its level, that is, its scope. This article examines the current state of the underground economy in the Republic of Uzbekistan. The method of calculating the hidden economy is shown. Based on Gutman's relationship between cash and deposits, the level of the hidden economy was determined. The base year was 1997, when the level of hidden economic activity was zero. The size of the hidden economy in the period when the calculation of this model starts is considered equal to 0, and its growth rate is observed. At the end of the research, relevant conclusions are formed.

**Калим сўзлар:** солиқ, яширин иқтисодиёт, давлат молияси, молиявий механизм

**Key words:** tax, shadow economy, public finance, financial mechanism

**Кириш.** Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг даражаси бирорта ҳалқаро рейтингларда акс этмаган. Бу мамлакатимизда яширин иқтисодиёт йўқлигидан эмас, балки узоқ йиллар давомида мамлакатимизда бунга масъул идораларнинг ҳалқаро рейтингларда қатнашмасликни афзал билганидадир.



Аммо, муаммони инкор қилиш, у ўз-ўзидан бартараф этишини англатмайди.

Умуман, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги кенг иштироки кейинги беш йилда амалга оширилаётган давлат сиёсати маҳсулидир. Ана шу сиёсат доирасида 2018-2019 йилларда илк бора яширин иқтисодиётнинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирига оид тадқиқотлар ўтказилди. Таҳлиллар яширин иқтисодиёт даражаси ЯИМга нисбатан 40-50 фоиз атрофида эканини кўрсатди.

2019 йилнинг сентябрида ҳозирги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт: вазиятга баҳо, сабаблари ва уни қисқартириш йўллари” мавзусида давра суҳбатининг ўтказилиши ва унда муаммонинг очиқ муҳокама қилиниши кўплаб халқаро эксперктларни эътиборни жалб қилган ва бугунги кундаги Ўзбекистоннинг илгари тилга олинмаган кўплаб муаммоларини эндиликда очиқча муҳокама этишга тай ёрлигини кўрсатадиган муҳим сигнал бўлган эди. эътиборли жиҳати, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу муаммо очиқ ўртага ташланганлиги ушбу масалага ёндашувларда иккиланиш ёки орқага чекинишга йўл йўқлигини кўрсатди.

Молиявий инклузивлик иқтисодиётнинг йирик секторининг расмий молия тизимида иштирок этишини таъминлаганлиги сабабли, у иқтисодиётда ижобий ташқи таъсирини яратади, чунки у пул-кредит сиёсатини янада самарали амалга ошириш имконини беради. Аслида, юқори молиявий инклузия фоиз ставкаларининг самарали сиёсат воситасига айланишига имкон беради, шунингдек, Mehrotra, A.,

ва Yetman, J.[1] Тадқиқотларига кўра, Марказий банклар нархлар даражасини барқарорлаштириши мумкин бўлган механизмни осонлаштиради. Инклузивлик юқори даражадаги истеъмолни юмшатиш имконини берганлиги сабабли, уй хўжаликлари жамғарма ва кредитлар даражасини мослаштириш орқали фоиз ставкаларининг ўзгаришига мослашиш имкониятига эга бўладилар. Юқори молиявий инклузия уй хўжаликларини ўз жамғармаларини депозитларга айлантиришга ундаши мумкин. Xon H.R[2]. ва Tombini, A[3] юқори даражадаги молиявий инклузивлик фоиз ставкаларини нисбатан кучли ва асосий сиёсат воситасига айлантириши ҳақидаги хulosага келишган. Молиявий инклузивлик ортиб бориши билан пул захиралари муомаладаги валютадан банк тизимидағи фоизли депозитларга айланба бошлайди. Бу иқтисодий фаолиятнинг катта қисмини фоиз ставкалари назорати остида бўлишига имкон беради. Xon H.R[2]. норасмий сектор қанчалик катта бўлса, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва назорат қилиш шунчалик қийин бўлади, чунки кўпроқ уй хўжаликлари ва кичик бизнес эгаларининг қарорлари марказий банкларнинг пул-кредит сиёсатини ҳисобга олмаган ҳолда мустақил бўлади. Бундан ташқари, молиявий инклузия одамларни пул иқтисодидан банк иқтисодиётига ўтишга ундейди, шунинг учун уларнинг молиявий операцияларини кузатиш мумкин[6][7].

Mehrotra, A. ва Yetman, J[1]. аниқлик киритишича, расмий молиявий тизимга кўпроқ агентлар киритилганда ишлаб чиқариш ўзгарувчанлиги инфляция ўзгарувчанлигига нисбатан ошади, чунки молиявий агентлар ўзларининг инвестиция ва жамғарма



қарорларини яхшироқ ўзгартиришга кодир бўладилар. Шу сабабли, молиявий инклузивлик ошгани сайин, марказий банклар нархларни барқарорлаштириш ва шу тариқа молиявий барқарорликни оширишга эътибор қаратишлари мумкин бўлади. Баъзи мамлакатларда марказий банклар инфляция мақсадларини аниқлаш учун асосий нарх индексига эътибор беришади, аммо бу нарх индексини танлаш баъзида нотўғри бўлиши мумкин. Mbutor, MO, & Uba, IA[4] Нигерияда 1980 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда молиявий инклузивлик даражасининг пул-кредит сиёсати самарадорлигига таъсирини таҳлил қилди. Уларнинг натижалари молиявий инклузивликнинг юқори даражалари муҳим рол ўйнайди деган даъвони кўллаб-қувватлайди. Бироқ, банк филиаллари сонининг ўзгарувчиси киритилганда, бу натижа кўлланилмади, аслида салбий муносабатни кўрсатди[5]. Бу шуни кўрсатадики, янги филиалларни очища банкларнинг мақсади, асосан, кўпроқ фойда олишга интилиш, лекин молиявий имкониятларни ошириш эмас.

**Материал ва Метод.** Ушбу мақолада Гутманнинг нақд пул ва депозитлар ўртасидаги боғлиқлик асосида яширин иқтисодиёт даражаси аниқланди. Базис йил 1997 йилда бўлиб, бу йил яширин иқтисодий фаолият даражаси нолга teng эди. Бу моделни ҳисоблаш бошланадиган даврдаги яширин иқтисодиёт ҳажми 0 га teng деб қаралади ва унинг ўсиш даражаси кузатилади. Нақд пул депозитлар нисбати ўзгартирилган усулидан фойдаланган ҳолда яширин иқтисодиётни баҳолаш учун 1997-2018 йилларда муомаладаги нақд пулларнинг ўртача йиллик ҳажми (C), талаб қилинадиган депозитлар ҳажми (D) ва номинал ЯИМ

(Y) ҳажми тўғрисидаги статистик маълумотлар ишлатилган. Ушбу тадқиқотда модификацияланган нақд пул ва депозитлар нисбати усули ҳисобкитобларида инфляция ва аҳоли сонининг ўсишига қараб аниқланган пул маблағларининг асосий кўрсаткичлари кўлланилади.

Хусусан, инфляция даражасига қараб, ЯИМ дефлятори кўлланилади. Умуман олганда, ҳар бир йил учун муомалада бўлган нақд пулнинг мослаштирилган базавий микдори (C0) кўйидаги тартибда ҳисобланади:

**Натижалар.** Мамлакатлар ЯИМида яширин иқтисодиёт улушини баҳоловчи Халқаро валюта жамғармаси рейтингига мурожаат қиласак, Ўзбекистонга ўхшаш аҳволни Украина ва МДҲ га аъзо айрим мамлакатлар ҳамда Гамбия, Белиз, Конго, Гондурас каби давлатларда кўриш мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек яширин иқтисодиёт даражасини аниқлашнинг бир қатор усуслари мавжуд, бундан фойдаланган тарзда биз Ўзбекистондаги яширин иқтисодиёт даражасини аниқлашга ҳаракат қиласиз.

Гутманнинг нақд пул ва депозитлар ўртасидаги боғлиқлик асосида яширин иқтисодиёт даражаси аниқлаш методи мавжуд бўлиб, ушбу тадқиқот доирасида 1997-2018 йилларда пул маблағлари депозитлари нисбати ўзгартирилган усули ёрдамида яширин иқтисодиётнинг ҳажми аниқланди. Кўзда тутилган ҳар бир йил учун яширин иқтисодиёт ҳажмини ҳисоблаш модификацияланган пул маблағлари нисбати стандарт формуласидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

- 1997 йил асосий йилидаги нақд пулларнинг ҳақиқий ҳажмини аҳолига бўлиш ўйли билан (йил охирида), аҳоли

жон бошига нақд пулнинг базавий миқдори ҳисоблаб чиқилади;


- иқтисодиётда нақд пул маблағларининг 1998 йилдаги мослаштирилган базавий ҳажми 1998 йилдаги ЯИМнинг дефляторини ахоли жон бошига тушадиган нақд пулнинг базавий миқдорига қўллаш ва 1998 йилда ахоли томонидан олинган миқдорни кўпайтириш йўли билан ҳисобланади;

- 1999 йилдаги иқтисодиётдаги нақд пул маблағларининг тузатилган базавий ҳажми 1998-1999 йиллар учун ЯИМ дефляторининг кумулятив қийматини қўллаш орқали ҳисобланади. Иқтисодиётда 2000-2018 йилларда нақд пул маблағларининг тузатилган базавий ҳажмларини ҳисоблаш шунга ўхшаш тарзда амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш керакки, талаб қилинадиган депозитларнинг ҳақиқий

ҳажми (Dt) ва муомаладаги нақд пул миқдори (Ct) ўзгарилиши шарт эмас, чунки улар аллақачон инфляция ва ахоли ўзгариши таъсирини ҳисобга олган. Ўзгарилилган нақд пулнинг талаб қилиб олунгунгача бўлган депозитларга нисбати коеффициентининг стандарт формуласи ёрдамида амалга оширилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, сўнгги 10 йил ичидаги (2009-2018) Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт ҳажми ўртача ЯИМнинг 39,7 фоизини ташкил этган.

Шу билан бирга, умуман олганда, яширин иқтисодиёт ҳажмининг 2009 йилдаги ЯИМга нисбатан 33,7 фоиздан 2015 йилда ЯИМга нисбатан 40,7 фоизга ва 2018 йилда 48 фоизгacha босқичмабосқич ўсиши кузатилган.



1.расм. Нақд пул ва депозитлар ўртасидаги боғлиқлик асосида яширин иқтисодиёт даражасининг аниқланган миқдори<sup>1</sup>


<sup>1</sup> Аналитический доклад подготовлен в рамках проекта Программы развития ООН «Поддержка стратегических исследований по устойчивому развитию» на основе обобщения результатов исследования, проведённого группой национальных консультантов

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасидаги яширин иқтисодиёт ҳажми, йиллар кесимида ўсиш тенденциясига эга бўлган. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотларига кўра 2020-йилда яширин иқтисодиёт даражаси ЯИМнинг 50% миқдорига teng бўлган.

Ушбу тадқиқотнинг хисобкитоблари натижалари билан кўрсатилган 2017 йилда яширин иқтисодиёт ҳажмининг сезиларли даражада ошиши муомаладаги нақд пул ҳажмининг сезиларли даражада ошиши билан боғлиқ бўлиб, иқтисодиётнинг нақд пул билан таъминланиши ЯИМнинг 4,8 фоизидан 5,9 фоизигача ўсган, шунингдек уларнинг пул массасидаги улуши 2016 йилдаги 24,9 фоиздан 2017 йилда 28,2 фоизгача, M1 пул массасидаги нақд пул улуши 47 фоиздан 58,3 фоизгача ошган.

Бошқа томондан, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, қисқа муддатда солиқ маъмурияти самарадорлигининг сезиларли даражада пасайиши сценарийси, шунингдек нақд пул маблағларининг кўпайган ҳажмининг маълум бир қисми бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, модификацияланган нақд пул депозитлари нисбати усули натижалари бўйича олиб борилган тадқиқотлардан хуоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт ўртача ҳажми ЯИМнинг 40 фоизини ташкил қиласди. Яширин иқтисодиёт даражасига таъсир этувчи яна бир омил бу қўшилган қиймат солиғи миқдоридир. Қўшилган қиймат солиғи бўйича берилаётган имтиёзлар бир тармоқда фаолият юритадиган корхоналарнинг имкониятлари номутаносиблигига сабаб бўлади. Бундан ташқари Ўзбекистонда белгиланган ҚҚС ставкаси ҳам қўшни мамлакатлар билан таққослайдиган бўлсак анча паст. Хусусан, Қозоғистон ва Қирғизистонда 12% бўладиган бўлса, Тожикистонда табақалаштирилган ставка қўлланилади 0%, 5% ва 18%. Асосан бу борадаги устунлик Қозоғистон ва Қирғизистонда бўлиб, Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар бу борада уларга имкониятни бой беради. Шу сабабдан ҳам қуйидаги яширин иқтисодиёт даражасига ҚҚСдан тушган миқдорлар таъсирини ҳам аниқлаймиз, бу учун бу иккала кўрсаткич ўртасида корреляция таҳлилини олиб борамиз.




**2-Расм. Қўшилган қиймат солиқлари тушуми динамикаси (млрд сўм)<sup>2</sup>**

<sup>2</sup> ДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, ҚҚС солиги бўйича давлат бюджетига тушумнинг миқдори йиллар кесимида ўсиш тенденциясига эга. Ушбу солик ставкасининг 20% дан 15% пасайтирилганлиги солиқли тушумлар миқдорига сезиларли таъсир кўрсатди. Тадқиқотимизнинг ушбу қисмида эконометрик таҳлилни амалга оширамиз, ҚҚС тушумлари ошиши билан бир қаторда яширин иқтисодиёт даражаси камаймоқдами ёки ошмоқдами? Буни регрессион таҳлилни амалга оширмасдан

туриб аниқлаш имкони кўрамиз. Бу кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликни кўриш мақсадида улар ўртасидаги корреляция коэффициентини аниклаймиз.

Ушбу кўрсаткичлар орасидаги боғлик яъни уларнинг корреляция коэффициенти 0.8га teng. Бу уларнинг ўртасида ижобий боғлиқлик борлигини англатади, яъни ҚҚС тушумларини ошишига карамасдан, яширин иқтисодиёт даражаси хам ошиб бормоқда



3-Расм. ҚҚС тушуми ва яширин иқтисодиёт даражаси ўртасидаги боғлиқлик<sup>3</sup>



4-расм. Солик назорати жараёнида қайд этилган энг кўп кузатилган хукуқбузарликлар сони<sup>4</sup>

<sup>3</sup> ДСҚ ва Ўзбекистон Республикаси Статистика Кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

<sup>4</sup> Солик қўмитаси маълумотлари орқали муаллиф томонидан тайёрланди



Солик тўловчиларнинг ўз солик мажбуриятларини ўз вақтида бажармасликлари ҳам яширин иқтисодиёт даражасини ошишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда ҳам соликларни тўламаслик ёки тўлашни кечикириши ҳолатлар мавжуд бўлиб, шу уларнинг солик саводхонлигининг юкори эмаслигидан далолат беради. Қуйидаги 4-расмда солик тўловчиларининг солик тўлашдан қочиш ҳолатларини кўришимиз мумкин.

#### 4-расм

маълумотларига кўра, сўнгти 5 йилликда солик ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш ҳолати энг кўп қайд этилган. Ушбу хукуқбузарлик тури 2016 йилда 34.6 минг маротаба, 2017 йилда 45.7 минг маротаба қайд этилиб, 2018 йилда кескин камайган ҳолда 14.8 минг маротаба қайд этилган. Бироқ, 2019 йилда яна 3 баробарга ошиб, 48.8 минг маротаба содир этилган. 2020 йилда эса ушбу хукуқбузарлик турини қайд этиш 2 баробарга қисқариб, 22.2 мингтани ташкил этган.

**Мунозара.** Яширин иқтисодиёт ҳажмининг 2018 йилда ЯИМнинг 48 фоизига 2017 йилдаги 56,9 фоизга нисбатан камайиши, шунингдек, иқтисодиётдаги нақд пул айланмаси кўрсаткичларининг тегишли ўзгариши, яъни нақд пул билан таъминлаш ЯИМнинг 5,9% дан 5, 1% гача, шунингдек пул массасидаги пул улуши 2017 йилдаги 28,2% дан 2018 йилда 26,6% гача камайиши билан ифодаланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, 2017 йилдан бўён муомаладаги нақд пул ҳажмининг сезиларли даражада ўсиши, чакана товар айланмасининг умумий ҳажмида банк карталари ёрдамида амалга оширилган тўловлар улушининг 2016 йилдаги 60,3 фоиздан 2017 йилда 50,1 фоизгacha пасайишида акс

этган. Ушбу пасайиши 2017-2018 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида нақд тўловлар улушкининг ўтган даврларга нисбатан кўпайганлигини тасдиқлаш сифатида изоҳлаш мумкин.

Шу билан бирга, нақд пул маблағлари ва талаб қилинадиган депозитларнинг оддий нисбатларига асосланган пул кредит сиёсати кўрсаткичларининг ўзгаришига юкори таъсирчанлигини ёдда тутиш лозим.

ҚҚС солигининг ҳисоблаш ва ундириш механизмидаги камчиликлар ҳам транзакцияларнинг аксариятини яширин секторда амалга оширилишига сабаб бўлиши мумкин. Товарлар ва хизматларга талабни рағбатлантириш бўйича солик сиёсатини яширин иқтисодий фаолияти кенг тарқалган соҳаларда ҚҚС учун чегирмалар орқали расмий тадбиркорликни рағбатлантириш йўналишида амалга ошириш тавсия этилади. Ушбу сиёсат, масалан, Франция ва Италияда муваффақиятли амалга оширилган ва солик юкининг пастлиги солик тўловчилар учун солик тўлаш маданиятини оширади деган гипотезага асосланади, чунки тадбиркорлар талабни ошириш орқали ўз савдо айланмасини кўпайтирадилар. Бундай сиёсатнинг асосий афзаллиги шундаки, у солик тўловчиларнинг хатти-харакатларидаги туб ўзгаришларни рағбатлантиради. Шундай қилиб, солик хизмати ходимлари соҳадаги товар ва хизматларга бўлган талабнинг нарх эгилувчанлигини баҳолашлари керак. Агар ҚҚСнинг бундай пасайиши натижасида товарларга ва хизматларга талаб ҳажми ошмаса ёки аҳамиятлиз ошса, демак бу сиёсат ўзини оқламайди. Бунинг учун солик органлари ходимлари солик ставкаси орқали нархнинг ўзгариши талабга қай даражада таъсир қилишини аниқлашлари лозим.

Яширин иқтисодиёт даражасига таъсир этувчи яна бир омил бу солик юкининг юқорилигидир. Умумий солик юки ҳақида гапирганда, ҳар хил солиқлар ва йиғимлар ҳар хил ставкаларга эга бўлиши мумкинлигини тушунишимиз керак. Муаммо ушбу ставкаларнинг мақбул даражаларини топишдир. Шу сабабли, эмпирик ўрганиш ва солик юкининг мақбул даражаларини индивидуал ва оиласвий тадбиркорлар, кичик ва йирик корхоналар учун алоҳида алоҳида аниқлашга асосланган ҳолда кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш ва аниқ ажратиш учун тегишли чораларни кўриш мақсадга мувофиқдир. Ушбу кузатувлар бир неча туман ёки шаҳарларда экспериментал равища солик тушумларининг ойлик, чораклик, ярим йиллик ва йиллик мониторинги асосида амалга оширилиши мумкин ва уларнинг ҳар бирида солиқка тортиш тартиблари тизими ҳар хил бўлиши керак. Бунга паралел равища, тадқиқотлар намунавий сўровномалар ва бошқа ёндашувлар асосида ҳам олиб борилиши керак. Натижада, маълум бир вақтдан сўнг, масалан, икки йилдан сўнг, ушбу тажрибаларнинг натижаларини таҳлил қилиш ва солиқни оптималлаштириш ва, узоқ муддатли масалан, ўн йиллик солик ставкаларини жорий қилиш масалаларини жамоатчилик билан муҳокама қилиш керак. Албатта, шу билан бирга, ижтимоий-иктисодий аҳволи кескин бўлган ҳудудларда ёки экспортга йўналтирилган тармоқларда

солик юки камроқ бўлиши кераклигини ёдда тутиш керак.

### Хулоса.

Ўзбекистон

Республикасида кўшилган қиймат солиғидан тушган тушум ҳамда яширин иқтисодиёт даражаси ўртасида ижобий корреляция мавжуд.

Яширин иқтисодиёт даражасига ахборотлар асиметрияси ҳам таъсир кўрсатади, корхоналар ўзларининг даромадларини кам қилиб кўрсатиш ёки яшириш орқали солиқдан қочишлари ёки камроқ солик тўлашлари мумкин бўлса, бу жиҳат уларнинг банкдан кредит ола омасликларига сабаб бўлиши мумкин, бу эса ўз навбатида уларнинг кенгайишига таъсир кўрсатади.

Хуфиёна иқтисодиётда фаолият юритувчи тадбиркорлар даромадларини яширади ва ўзларининг молиявий ҳисобларини биринчи навбатда солик юки ва ижтимоий суғурта бадалларидан кутулиш учун тузадилар.

Савдо очиқлиги индекси яширин иқтисодиёт даражасига салбий таъсир кўрсатади, савдо очиқлиги индексининг ошиши яширин иқтисодиёт даражасини камайтиришга хизмат кўрсатади.

Солик тушумлари яширин иқтисодиёти даражасига салбий таъсир қилади, демак, солик тушумлари ошганда яширин иқтисодиёт даражаси пасаяди. Юқори солик юки корхоналарни яширин иқтисодиётда ишлашга ундейди, чунки агар солиқдан кейинги даромад бизнесни самарали олиб бориш учун етарли бўлмаса, улар оғирлик туфайли норасмий секторга ўтадилар.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Mehrotra, A., & Yetman, J. (2014). Financial Inclusion and Optimal Monetary Policy, (Working paper No. 476). BIS. Retrieved from <https://www.bis.org/publ/work476.pdf>



2. Khan, H. R. (2011, November 4). Financial Inclusion and Financial Stability: Are They Two Sides of the Same Coin? Lecture presented at BANCON 2011. Retrieved from <https://www.bis.org/review/r111229f.pdf>
3. Tombini, A (2012): "Opening remarks", IV Fórum Banco Central sobre Inclusão Financeira, Porto Alegre, 29 October.
4. Mbutor, M. O., & Uba, I. A. (2013). The impact of financial inclusion on monetary policy in Nigeria. *Journal of Economics and International Finance*, 5(8), 318-326. doi: <https://doi.org/10.5897/JEIF2013.0541>
5. Williams, C. C. and Schneider, F. (2016). Measuring the Global Shadow Economy: The Prevalence of Informal Work and Labour. Edward Elgar Publishing, UK
6. Loayza, N.V. (1996), The Economics of the Informal Sector: A Simple Model and Some Empirical Evidence from Latin America, Carnegie-Rochester Conference Series on Public Policy 45, 129-162.
7. Zellner, M. (1970). Self-esteem, reception, and influenceability. *Journal of Personality and Social Psychology*, 15(1), 87–93.